

# Turkiston

1925-yildan chiqa  
boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati  
Markaziy Kengashining nashri

[www.turkiston.uz](http://www.turkiston.uz)

2014-yil 10-may, shanba  
№ 36 (15778)

## ТИНЧЛИК ВА АҲИЛЛИК – МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНИГИНИНГ АСОСИДИР

Президентимиз Ислом Каримов ташабуси  
билин 9 май – Хотира ва қадрлаш куни  
мамлакатимизда умумхалқ байрами  
сифатида кенг нишонланмоқда

Инсон хотираси муқаддас, қадр-қиммати азиз ва мўтабардир. Давлатимиз раҳбари ташабуси билан мамлакатимизда кенг нишонланаётган Хотира ва қадрлаш куни мазмун-моҳиятида ана шундай инсонпарвар тамойиллар ўз ифодасини топган.

Бу сана урушларда қурбон бўлган миллионлаб юртдошларимиз хотирасига таъзим қиласидан, бугун сафларимизда юрган, осмонимиз мусаффолиги, юртимиз равнақи йўлида хизмат қилган нуронийларга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатиладиган эзгу маросимдир.

Бундай кунларда бугунги тинч ва осуда ҳаёт, мусаффо осмон, тўкинлик ва фаровонликка қандай оғир йўқотишлар, синов ва машақватлар эвазига эришилгани хаёлимиздан ўтади. Бизга насиб этган мустақиллик, тинчлик ва осойишталиктининг аҳамиятини теранроқ англаймиз.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил 18 апрелда қабул қилинган «Иккичи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида» ги фармони урушда ҳалок бўлган юртдошларимиз хотирасига, оловли жанггоҳлардан омон қайтган ота-боборимизга, оғир кунларни сабр-бардош билан енгган момоларимизга кўрсатилаётган эҳтиromning яна бир ёрқин ифодасидир. Мазкур фармонга мувофиқ уруш қатнашчилари ва ногиронларига пул мукофотлари ва байрам совғалари тантанали равишда топширилди. Уларнинг холидан хабар олиниб, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди.

9 май. Пойтахтимиздаги Хотира майдони ҳар қаёнгидан гавжум. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, сенаторлар ва депутатлар, ҳукумат аъзолари, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташриф бўюрди.

Майдон узра маҳзун мусика тараради.

Соат 9:00. Майдонга Ўзбе-

кистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар кўйди.

Президентимиз Иккичи жаҳон урушида жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

— Бугун барча ватандошларимиз, бутун халқимиз Хотира ва қадрлаш куни деб ном олган улуғ айёмни, фашизм устидан қозонилган Фалабанинг 69 йиллигини кенг нишонламоқда, — деди Ислом Каримов оммавий аҳборот во-ситалари вакиллари билан сұхбатда. — Шу кунларда барчамиз ўз инсоний бурчимизни адo этиб, бугунги тинч ҳаётимиз учун, мусаффо осмонимиз учун жанг майдонларидан жон бериб урушдан қайтмаганларни эслаймиз, уларнинг арвоҳларини шод этиб, учмас хотираси олдида бош эгамиз.

Бугун орамизда соғ-саломат ҳаёт кечираётган, барчамиз учун азиз ва муҳтарам бўлган нуроний отаҳон ва онахонларимизга, урушда қатнашган мардларга, шу билан бирга, фронт ортида меҳнат қилиб, Фалаба кунини яқинлаштиришга муносаб ҳисса кўшган юртдошларимизга чин қалбимдан ҳурматимни билдираман ва уларга ўз номидан, бутун халқимиз номидан бардамлик, узоқ умр, баҳти ҳаёт тилайман, деди давлатимиз раҳбари.

Ҳаётимизга, хонадонларимизга файз ва барака берадиган фахрийларимизнинг кўнглини кўтариш, уларнинг ҳаётини узайтиришга, умрини мазмунли қилишга кўлимиздан келганча хисса кўшиш, уларга ғамхўрлик ва меҳрибонлик кўрсатиш бизнинг инсоний бурчимиз эканини, бу ҳаёт ғанимат эканини унутмаслигимиз зарур, десам, барчанинг фикрини ифодалаган бўламан.

(Давоми 2-саҳифада)



Рустам Назарматов олган сурат

9-may — Хотира ва qadrlash kuni

## ЮРТ ТИНЧ – КЎНГИЛ ХОТИРЖАМ

Навоий вилоятида Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан «Нуроний» жамгармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фондига вилоят бўйимлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигига маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Вилоятда истиқомат қиласига 150 нафар уруш қатнашчиси, 2 минг 416 нафар фронт ортида хизмат қилганлар, 33 нафар 100 ёшдан ошган кексаларга Президентимиз фармонига мувофиқ пул мукофот-

лари, эсдалик совғалар топширилди.

Навбаҳор туманининг Қорақон қишлоғига яшовчи 90 ёшли Қаландар Қобулов мамлакатимизда кексалар ва фахрийларга кўрсатилаётган

эътибордан мамнун. Кўп йиллик самарали меҳнатлари мустақиллик даврида қадр топди. У Президентимиз фармонига биноан «Жасорат» медали билан тақдирланди.

— Мана шундай дориломон кунларга етказганига шукур, — дейди Қаландар ота. — Юртимиз тинч, кўнглиминдеги хотиржам. Фарзандларимизнинг яйраб ўсиши учун барча шароитлар яратилган.

Н.РАҲИМОВ,  
ЎЗА мухбири

# ТИНЧЛИК ВА АҲИЛЛИК – МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИНГ АСОСИДИР

**(Давоми, аввали  
1-саҳифада)**

Айтиш мумкинки, кишилик тарихидаги энг қонли, энг катта йўқотиш ва мислсиз курбонларга, эл-юртимиз ўртасида қанча-қанча мусибат ва оғатлар, ғам-аламларга, бева-бечоралар ва етимларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган бешафқат уруш тугаганидан бўён орадан қарийб 70 йил ўтмоқда. Лекин юртимизда бирорта хонадон йўқки, бу машъум урушни эсидан, хаёлидан чиқарган бўлса.

Ўйлайманки, бу борада бъзи бир рақамларни тақорор ва тақорор эсимизга олишимиз, болаларимизга, ёш авлодимизга етказиб туриш учун уларни доимо хотирамизда саклашимиш даркор, деб таъкидлади Президентимиз.

Агар урушдан олдин мамлакатимизда 6,5 миллионга яқин ахоли яшаган бўлса, шундан 1,5 миллиондан кўпроғи жангларда қатнашган. Ёки ўша пайдаги халқимизнинг тахминан учдан бир қисми кўлига курол олиб, жанг жадалларда иштирик этган, қонини тўккан.

Ўша ёвуз урушда 500 мингга яқин юртошларимиз ҳалок бўлган, қанча одам бедарак кетган, қанча-қанча инсонлар майб-мажруҳ бўлиб қайтан.

Бу рақамлар халқимизнинг фашизм устидан ғалаба қозонишга қандай улкан, ҳеч унтилмас ҳисса қўшганини кўрсатади ва буни бирортамиз ҳам эсимиздан чиқармаслигимиз даркор.

Бу ҳақда гапирганда, уруш ийлларининг оғир қийинчиликларига мардона бардош бериб, фронт ортида меҳнат қилган, уруш туфайли Ўзбекистонга кўчирилган қанча-қанча одамларга, ота-онасидан айрилган минглаб етимларга бошпана берган, ҳатто охирги нонини ҳам улар билан баҳам кўрган халқимизнинг фидойилиги, бағрикенлиги ҳақида ҳар қанча фаҳрланиб гапирсан, арзиди. Чунки эл-юртимизнинг маънавий кудрати, унинг одамийлик фазилатлари, меҳроқибати, мардлиги ва олижаноблиги айни мана шундай унтилмас воқеаларда, тарихий мисолларда яқол намоён бўлади, деб таъкидлади Юрт-

бошимиз. Шунинг учун ҳам урушда ҳалок бўлғанларнинг, урушдан қайтмаганларнинг номларини азим пойтахтимизнинг марказида ва жойларда барпо этилган Хотира майдонларида олтин ҳарфлар билан муҳрлаб кўйиб, бундан 16 йил олдин 9 май санасига Хотира ва қадрлаш куни деб ном берганимиз накадар тўғри бўлганини бугун ҳаётнинг ўзи яна бир бор тасдиқлаб бермоқда.

Вақт ўтади, замонлар ўтади, лекин узокни кўзлаб, ҳаётнинг ўзи ўртага кўяётган талабларни инобатга олиб, одамийлик, инсонпарварлик фазилатларни улуғлаш, умуман, Ватан учун, элу юрт учун хизмат қилган инсонларнинг номларини сақлаш, инсон хотирасини эъзозлаш йўлида қилинган бундай савобли ишлар, ўйлайманки, ҳеч қачон унтилмайди.

Президентимиз уруш ҳеч қачон қайтарилемаслиги учун бундай фожия ва балоларнинг олдини олиш, доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиш зарурлигини таъкидлади.

Афсуски, бугунги кунда дунёнинг турли ҳудуд ва минтақаларида, олис ва яқин атрофимизда қарама-қаршилик ва зиддиятлар тобора кучайиб бораётганини кўрмоқдамиш.

Айrim жойларда қон тўкилаётгани, низо ва адоваратлар авж олаётгани, фашизм деган бало яна бош қутараётгани, миллатчилик, шовинизм каби хавфли оғатлар майдонга чиқаётгани, бир сўз билан айтганда, вазият тобора кескинлашиб, хавфхатарлар ортиб бораётгани барчамизни ташвишга солмасдан кўймайди.

Бугунги кунда ҳар бир инсон албатта бундай ғоят хавфли ҳолатларни, шулар қаторида собиқ иттифоқ ҳудудларни пайдо бўлаётгани қарама-қаршиликларни кўриб, кеча яқин дўст бўлганлар эртага ўзаро душманга, ўта хатарли вазият юзага келиб қонли урушга айлануб кетмаслигини истайди.

Бундай таҳликали вазиятда бизнинг ёндашувимиз ва қарашларимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомида, ҳалқаро ҳукуқий нормаларда белгилаб, муҳрлаб кўйилган асосий принципларни сўзсиз бажаришдир, зўра-

вонликка, куч ишлатишга йўл қўймаслиkdir.

Юзага келадиган қарама-қаршиликларни, низоларни фақат сиёсий йўл, тинч воситалар билан ҳал этиш лозим, давлатларнинг сиёсий суверенитети ва чегаралари дахлизилигининг бузилишига йўл қўймаслик зарур.

Бу бизнинг қатъий сиёсатимизdir, деди давлатимиз раҳбари.

Бутун дунё ҳалқарининг эзгу орзуси, ҳоҳиш-иродаси битта. У ҳам бўлса, уруш ҳеч қачон, ҳеч қандай шаклда қайтарилемасин, деган талабдир. Бундай истак, бундай мақсад жаҳондаги барча ҳалқарининг манбаатларига тўғри келади. Чунки, ҳеч қайси ҳалқ урушни хоҳламайди. Бизнинг ён кўшнимиз бўлган Афғонистон ҳалқи ҳам, агар ўз ҳолига кўйса, ўзаро келишиб, тинч ҳаёт кечирган бўларди.

Биз кўшни Афғонистонда тинчлик барқарор бўлишни истаймиз. Афғонистон билан алоқаларимиз ва ҳамкорлигимиз икки томонлама асосда ташкил қилишни маъкул деб биламиз.

Шу фикрлардан келиб чиқиб, яна бир бор таъкидламоқчиман, деди Ислом Каримов, бизнинг халқимизга тинчлик ва омонлик керак. Кўпни кўрган ҳалқимиз яхши билади, фақат тинчлик ва осойишталик бўлган, меҳроқибат, ўзаро ҳурмат ҳукм суроётгани давлатда, жамиятда фаровон ва баҳтли ҳаёт қуриш мумкин, энг эзгу орзу-мақсадларга етиш мумкин.

Биз бошимиздан кечираётган замон барчамиздан, ҳар биримиздан огоҳ ва сезигр бўлиб яшашимизни, бугунги ва эртанди кунимизни, тинч ҳаётимизни ўзимиз асранимизни талаб этади. Фақатгина тинчликни ният қилишимиз, орзу қилишимиз эмас, балки тинчлик, осуда ҳаёт учун, мусаффо осмон учун албатта курашишимиз даркор.

Менинг ишончим комил: орқамизга қараб, холисона баҳо беришимиз зарур. Биз кечирган ҳаёт осон ўтгани йўқ. Биз олдин ўтмаган катта мактабни ўтдик. Бугунги одамларимиз, уларнинг дунёқариши, онгу тафкури, сиёсий ва ижтимоий

фаоллиги, ҳаётнинг маъносига қараши ён атрофимиздаги вазият ўзгариши билан яқол ўзгариб бораётгани бугун ҳар қадамда намоён бўлмоқда, деб таъкидлади Президентимиз.

Содда қилиб айтганда, бугунги фуқароларимиз, бугунги инсонлар билан 90-йиллардаги одамлар ўртасида ер билан осмонча фарқ бор, десак, бу ҳам ҳақиқат.

Шу ҳақда гапирганда, биз, авваламбор, ўтган давр мобайнида қандай қийин, қандай оғир бўлмасин, қандай машақатли синовларни бошимиздан кечиришга тўғри келмасин, ўзимизнинг ориятили, фурува ифтихор билан яшайдиган ҳалқ эканимизни, ўз тарихимизни, кимнинг авлодлари эканимизни эсимиздан чиқармадик. Ва узокни кўзлаб олдимизга кўйган мақсадларга эришиш учун ўзимизни аямадик, барча-барча таҳдид ва хавфхатарлардан эл-юртимизни химоя қилишга доимо тайёр бўлиб турдик.

Айнан шунинг ҳисобидан, ана шундай олижаноб, ўхшаши йўқ ҳалқимиз борлиги учун Ўзбекистонимиз бугунги кунда жаҳондаги камдан-кам давлатлар қаторида юксак, барқарор суръатлар билан ўсиб, одамларнинг кундалик турмуши, ҳаёт ҳар томонлама обод ва фаровон бўлиб бормоқда. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, биз барчани ҳайратда қолдидрагидан мэрраларни кўлга киритмоқдамиш ва эртанди кунга катта ишонч билан яшамоқдамиш.

**Айниқса, ёшларимиз, фарзандларимизнинг ёниб турган кўзлари, ғайрат-шижоати, билимга интилиши, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайман, деган ҳаракатини ёруғ келажагимизнинг, эзгу мақсадларимизга эришишнинг асосий омили ва гарови сифатида кўрамиз, деди Ислом Каримов.**

Жорий йилга юртимизда Соғлом бола йили, деб ном берганимиз, ҳеч шубҳасиз, айни шу йўлда амалга ошираётган кенг кўламли ишларимизни янги юксак босқичга кўтариши ва улкан натижалар бериши муқаррар.

Мана шундай ниятларимиз бугун рўёбга чиқаётганига

яқинда Қорақалпогистонга боргандаги катта бир курилиш — Сурғил газ-кимё комплексида бўлган сұхбатда гувоҳ бўлдим.

**Дунёда камдан-кам учрайдиган қиймати қарийб 4 миллиард долларлик ана шу комплексни куришга Жанубий Кореядан келган, кўп мамлакатларда бўлган мутахассисларнинг ёшларимиз ҳақида ўз таассуротини яширмасдан, балки фурурланиб гапирганини айтишни жоиз, деб биламан.**

Айниқса, кореялик иш бошқарувчи, яъни менежернинг айтган сўзлари эсимда қолди. У биз дунёнинг кўплаб мамлакатларида мана шундай объектларни барпо этишда қатнашганимиз, деди. Лекин, ҳеч қаерда Ўзбекистондагидек ақл-заковатли, зеҳни ўтқир, интилувчан ёшларни кўрганимиз йўқ. Ўзбек ёшларининг ҳар қандай мураккаб жараён ва технологияларни тез ўзлаштириб олиши бизда ҳайрат ўйғотди, деган гаплари, ўйлайманки, барчамизга мамнуният етказмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, бундай ёшларимизни, эртанди кунимизнинг таянчи ва сунчни, давомчиси бўлган, тобора ҳал қулиувчи кучга айланиб бораётган фарзандларимизни кўриб, уларнинг чехрасига боқиб, олдимизда турган барча-барча юксак мэрраларни эгаллаймиз, эзгу мақсадларимизга эришишамиз, ўз муродимизга етамиз, деган ишончимиз яна-да мустаҳкамланади.

Оллоҳдан тинчлик, осойишталик беришини, ёмон кўзлардан асранини сўраймиз.

Сўзимнинг ниҳоясида муҳтарар фахрийларимизни, бутун ҳалқимизни бугунги қутлув байрам билан яна бир бор табриклаб, барча-барчангизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барала тилайман, деди Президентимиз.

Шу куни Мотамсаро она ҳайкали пои гулларга бурканди. Хотира майдони оқшомга қадар юрт тинчлиги ва озодлиги, авлодларнинг порлоқ исhtiқболи учун жонини фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш учун келган зиёратчилар билан гавжум бўлди.

**ЎЗА**

## ЁШ ТАДБИРКОРЛАР КЎРГАЗМАСИ

**Қашқадарё вилоят «Ёшлар маркази»да «Ватан тараққиётига менинг ҳиссам» кўрик-танловининг вилоят босқичи олдидан кўргазма ташкил этилди.**

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаси ҳамда Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси ҳамкорлигига ўтказилган танлова туман ва шаҳарлардан келган ёш тадбиркор ва ҳунармандлар маҳсулотлар кўргазмасини намойиш этди. Кўргазмадан ўрин олган тадбиркорлик, касаначи-

лик ҳамда ҳунармандчилик маҳсулотлари иштирокчиларда катта қизиқиш ўйғотди.

Кўргазмадан сўнг ташкил этилган ўкув-семинарда эса ишбилармон ёшларга тадбиркорлик сабоқлари ва унинг қонун-қоидалари тўғрисида батафсил маълумот берилди. Шунингдек,

турли номинациялар голиблари бўлган ёшлар номи эълон қилинди. Унга кўра, «Косон ривож текстил» оила-вий корхонаси раҳбари Лобар Қурбонова «Энг яхши тадбиркор», мусиқа асбоблари устаси Суҳроб Иноятов «Энг яхши оиласи тадбиркор», Азиза Шарипова «Энг яхши касаначи», Гулзода Мейлиева «Энг яхши ҳунарманд» ҳамда Нозима Раҳмонова «Энг яхши дизайннер» номинацияси голиблари бўлишиди.

— Кўргазмада маҳсулотла-

рим яхши баҳоланганидан хурсандман, — дейди мусиқа асбоблари устаси, танловнинг «Энг яхши оиласи тадбиркор» номинацияси голиби Суҳроб Иноятов. — Албатта, бундай эътибор менинг келгусидаги фаолиятимга ижобий таъсир кўрсатади.

Кўргазма якуннада голибларга «Камолот» ЙИХ вилоят кенгаси ҳамда Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармасининг эсдалик совғалари топширилди.

**Ақбарали  
ХУДОЙБЕРДИЕВ**



# ТЕСТ СИНОВЛАРИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

**Илм-фан юксак тараққиётга эришиб, ахборот, компьютер технологиялари жадал ривожланыб бораётган бугунги кунда инсоннинг ҳар томонлами билим ва кўнглимага эга бўлиши гоят мухим аҳамият касб этмоқда. Шу боис фарзандининг ўзи ташлаган касбни пухта ўзлаштишига, бинобарин, ҳаётда ўз ўрнини топшишига кўмаклашиши ҳар бир ота-она учун энг мухим вазифалардан бўлса, давлат учун ижтимоий-иктисодий тараққиётнинг устувор йўналишларидан биридир.**

Айни пайтда мамлакатимизда ҳар бир шахс билим олиш, меҳнат қилиш ва эркин касб танлаш хукуқига эга. Бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кафолатланган. Таълим жараёни эса «Таълим тўғрисида»ги қонун асосида тартиби солинмоқда. Бу, ўз навбатида, юртдошларимизга орзу ва мақсадларини рўёбга чиқариш, ўзи хоҳлаган касб билан шуғуланиш, жамиятимизда муносиб ўрин эгаллаш имконини беради.

Шунинг учун навбатдаги ўкув йили ниҳоясига етиши билан, академик лицей ва касб-хунар колледжлари битирувчилари учун масъулиятли ва ҳаяжонли дамлар бошланади. Негаки, улар ўз ҳаётидаги энг мухим қарорлардан бирини қабул қилиши, яъни касб танлаши керак бўлади. Бу йил олий таълим муассасаларида таълим ва касб йўналишларига кўплаб янгиликлар киритилди, кириш имтиҳонлари тизимида ҳам айрим ўзgartишлар жорий этилди. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил 30 апрелда қабул қилинган Республика олий таълим муассасалари қабул қилиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисидаги қарори бу борада мухим дастуримамал бўлмоқда.

**ЎЗА мұхбири Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори Жаҳонғир Исмоилов** билан олий таълим муассасалари үкишга кириш имтиҳонлари тизимида киритилган янгиликлар ҳақида сұхбатлашди.

— Ўзбекистон МДХ давлатлари орасида үкишга кириш имтиҳонларини ўтказиш бўйича бир хил тизимни жорий этишда етакчилик қилмоқда. Зоро, замонавий илм-фан, таълим ва ахборот технологиялари асосланган

холда тест синовлари ёрдамида баҳолаш тизими шахснинг интеллектуал ривожланниш даражасини аниқлаш имконини беради.

Сўнгги йилларда тест синовлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги «Олий таълим муассасалари қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишидан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори ва Олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга мувоғик ўтказилмоқда. Тест синовлари ўкувчилар билимини баҳолашда субъектив омилларни четлаб ўтиб, мазкур жараёнда кўпроқ холисликка эришиш имконини беради.

Мамлакатимизда ёшларнинг олий маълумоти бўлишга интилиши йил сайн ортиб бораётганини алоҳида таъкидлаш керак. Масалан, 2012 йилда олий таълим муассасаларига 432 минг, 2013 йилда 480 минг нафардан зиёд абитуриент хужжат топширган.

Замонавий тестология, тест топшириклиарини текшириш назариясининг илмий асосларини ишлаб чиқиши, уларнинг сифатини ошириш 2014 йилда ҳам Давлат тест марказини ривожлантириш борасидаги стратегик вазифадир.

**— Айтинг-чи, жорий йилда олий таълим муассасалари қабул қилиш тартиби қандай ўзgartишлар киритилди?**

— Давлатимиз раҳбари олий таълим муассасалари бакалавриатига ташлаган мутахассислиги бўйича үкишга кираётган абитуриентларни тест синовидан ўтказиш сифати ва холислик даражасини ошириш, уларнинг интеллектуал даражаси, дунёқараши ва мустакил

фирклаш қобилиятини баҳолаш мақсадида шу йил 30 апрелда Республика олий таълим муассасалари қабул қилиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисидаги қарорга имзо чекди.

Мазкур хужжатда белгилangan вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Таълим муассасалари қабул қилиш давлат комиссиясининг 2014 йил 1 майда бўлиб ўтган йиғилишида бу борадаги тегишли масалалар мухокама этилди.

2014/2015 ўкув йилида олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни қабул қилишда математика фани бўйича тест синовларига информатика ва ахборот технологияларига таалукли савол ҳамда топшириклар киритилмоқда. Мисол учун, математика бўйича 30 савол, информатика ва ахборот технологиялари бўйича 6 савол киритилди.

Тест синовлари математика фани ҳам киритиладиган 168 таълим йўналишининг 108 таси бўйича имтиҳонларга юқорида қайд этилган масалаларни жорий этиш кутилмоқда. Чунончи, «Математика фанини ўқитиш услуги», «Физика ва астрономия фанини ўқитиш услуги», «Кимё фанини ўқитиш услуги», «Физика», «Иқтисодиёт», «Солик ва солиққа тортиш», «Электроника ва асбобсозлик» ва бошқа таълим йўналишлари шулар жумласидандир.

Абитуриентларнинг билим даражасини аниқлашда (3,1 балл даражасида баҳоланади) мутахассислик бўйича фанлар ролини тубдан ошириш мақсадида олий таълим муассасаларининг бакалавриатига қабул қилишда тест синовлари киритилган фанлар рўйхатини қайта кўриб чиқиш ҳамда янгилаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Мұхтасар айтганда, таълим йўналишлари таҳлил этилиб, 43 таълим йўналиши бўйича тест синовлари ўтказиладиган фанлар, жумладан, 22 йўналиши бўйича мутахассисликка оид фанлар қайта кўриб чиқилди. «Геофизика», «Кончилик иши», «Нефть ва газ конларига ишлов бериш ҳамда улардан фойдаланиши», «Электротехника, электромеханика ва электр технологиялари» (соҳалар бўйича), «Экология ва атроф-

мухит мухофазаси» (соҳалар бўйича) ва бошқалар шундай фанлар жумласига киради.

Жорий этилаётган мазкур янгиликлар абитуриентлар билим даражасини холисона баҳолашда мутахассисликка оид фанларнинг роли ва аҳамиятини сезиларли равишда ошириш имконини беради.

**— Тест синовлари тизимида яна қандай қўшимча фанлар киритилади?**

— Маълумки, чет тиллар шахсни шакллантириш ва унинг билим даражасини оширишда мухим ўрин тутади, глобал ахборот маконида ҳар томонлами билим олиш, бошқа мамлакатларнинг маънавий бойликлари, илмий салоҳиятидан боҳабар бўлишга ёрдам беради, бошқа ҳалқлар вакиллари билан бевосита мuloқot қилиш имкониятини яратади.

Шу боис давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрда «Чет тилларни ўрганиш тизимида яна қандай қўшимча фанлар киритилади»-ги қарори қабул қилинди. Унга биноан бу йил тест синовлари тизимида 24 таълим йўналишида чет тиллар бўйича тест синовлари жорий этилаёт. Шундай қилиб, чет тиллар бўйича тест синовлари ўтказиладиган таълим йўналишлари сони 35 дан 59 тага етди.

Булар «Ташишларни ташкил этиш ва транспорт логистикаси» (транспорт турлари бўйича), «Радиоэлектрон ускуналар ва тизимлар» (соҳалар бўйича), «Телекоммуникация», «Информатика ва ахборот технологиялари» (соҳалар бўйича), «Ахборот хавфсизлиги» (соҳалар бўйича), «Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти» (соҳалар бўйича), «Энергетика», «Автомобиль ва тракторсозлик» ва бошқа йўналишлариди.

Яна шуни қайд этиш керакки, жорий йилдан физика асосий мутахассислик фани бўлган таълим йўналишлари сони бештадан йигирматага кўпайтирилди. Булар, масалан, «Механика», «Геофизика», «Кончилик иши», «Нефть, газ ва кимё саноати технологияси», «Электротехника, электромеханика, электр технологиялари» йўналишларидир.

Биология асосий фан сифатида ўқитиладиган таълим йўналишлари сони ўн саккизтадан йигирма биттага кўпайтиди. «Қишлоқ хўжалиги экинла-

ри селекцияси ва уруғчилик», «Зоотехния» (турлар бўйича), «Ветеринария» ва бошқалар шулар жумласидандир.

**— Кириш имтиҳонлари тизимида жорий этилган ўзgartишилар тест саволларини тайёрлаш жараёнига қандай таъсир кўрсатади?**

— 2014 йилда олий таълим муассасаларининг бакалавриатига ўқишига кирадиган абитуриентлар тест синовидан ўтказиладиган фанлар бўйича савол ҳамда топшириклар рўйхати ҳам қайта кўриб чиқилди. Бунинг учун тест саволларни тузиш бўйича экспертилар гурухи таркиби олий ўкув юртлари, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг иккى юзга яқин тажрибали ўқитувчиси, юқори малакали мутахассислар, илмий кадрлар жалб этилди.

Улар барча фанлар бўйича тест синовлари киритилган саволларни ўрганиб чиқди. Бунда абитуриентларнинг мантиқий фикрлаш қобилияти, дунёқараши, тест синовлари ўтказиладиган фанларни қанчалик чуқур билишини аниқлашга каратилган тест саволларни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Бу борода амалга оширилган ишлар якуни бўйича замонавий таълим мутахассаларига ўқишига киришни истаган ўшларнинг билим даражасини холисона баҳолаш ва танлаш имконини берадиган ягона тест саволлари базаси шакллантирилди.

Олий таълим муассасалари қабул қилиш тартиби киритилаётган ўзgartишилар ҳақида тартиби ахборот, информатика ва ахборот технологиялари бўйича тест саволлари ҳамда вазифалари дастурлари, таълим йўналишлари бўйича тест ўтказиладиган фанлар рўйхати ўрта маҳсус, касб-хунар таълими мутахассалари, оммавий ахборот воситалари, ваколатли давлат органлари сайтлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази абитуриентлар, академик лицей ва касб-хунар колледжлари ўкувчиларига етказилади.

**ЎЗА мұхбири  
Мехрибон МАМЕТОВА  
сұхбатлашды**

## ҚУЙИ БЎГИН ФАОЛ БЎЛСА...

Boshlang'ich tashkilotlarda

**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг пойдевори бу — бошлангич ташкилотларидир. Агар бошлангич ташкилотлар фоол, иши тўғри йўлга қўйилган бўлса, бу бутун Ҳаракат фоалиятига катта таъсир қиласди.**

«Камолот» ЁИХ Бекобод шаҳар кенгashi шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда бошлангич ташкилотлар фоалиятини янада жонлантириш, уларнинг моддий-техник базасини тубдан яхшилашга қаратилган амалий ишлар олиб бормоқда. Айнан ушбу масала юзасидан Бекобод шаҳар ҳокими Мамасобир Бухорбоев билан «Ҳоким ва ёшлар» учрашувининг ташкил этили-

ши кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Унда шаҳардаги умумтаълим мактаблари ва касб-хунар колледжларида «Камолот» ЁИХ бошлангич ташкилотлари етакчилари ва фоаллари иштирок этди.

Учрашувда бекободлик ёшлар ўзлари таълим олаётган ўкув муассасаларида бошлангич ташкилотларнинг ҳолати бўйича маълумотлар беришиди

ҳамда улар фоалиятини янада такомиллаштириш бўйича ўз таклифларни билдиришиди. Жойларда намунали бошлангич ташкилотлар хонасини ташкил этиш, уларни керакли жиҳозлар билан таъминлаш, етакчиларнинг фоол ишлаши учун зарур шароитлар яратилиши алоҳида таъкидланди.

Қисқа фурсат ичидаги бошлангич ташкилотлар фоаллиги сезила бошланди. Умумтаълим мактаблари ва касб-хунар колледжларида намунали бошлангич ташкилотлар юзага келди. Бу борода барча таълим муассасаларининг раҳбарлари, маънавият ва мариғат ишлари бўйича директор ўринbosарлари, бошлангич ташкилотлар етакчилари ва сардорлари учун семинарлар ташкил этилди.

Шаҳардаги 8-мактаб ҳамда қурилиш ва коммунал хўжалик касб-хунар колледжида намунали хоналар ташкил этилган. Мазкур хоналарда етакчи ва сардорлар учун барча шароитлар мавжуд. Хоналар «Камолот» ва «Камалак»ка оид баннерлар, кўргазмали воситалар билан жиҳозланган.

Табиий, бундай шароитлардан сўнг бошлангич ташкилотларда ҳам янгиликлар юз бермоқда. Чунончи, бекободлик иккى ўкувчи — Муқаддас Абдуқаҳорова ҳамда Жавлон Жўрабеков Ургач шаҳрида ўтказилган «Камолот» шахмат таҳтаси» республика турнирининг финал босқичида муносиб иштирок этган бўлса, Навоий шаҳрида бўлиб ўтган «Камалак» билимдонлари кўрик-танловида 11-мактабнинг «Баркамол авлод» жамоаси 3-ўринни кўлга киритиб қайтиди.

**Ашурали БОЙМУРОД,  
«Turkiston» мұхбири**

# БАЙРАМЛАР УЛАНАР ЯХШИ КУНЛАРГА!

**Хоразм вилоятида «Биз – буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди**

**Карнай-сурнай ва «Хоразм лазгиси» садолари остида қарши олинган меҳмонлар воҳада олиб борилаётган бунёдкорлик, ободонлаштириш ишларини кўриб лол қолишиди. Чунки бугунги Хоразм, унинг шаҳару қишлоқлари, жумладан, Урганч шаҳрининг қиёфаси тамомила ўзгача, замонавий ва миллийлик уйгунилигига тобора кўркам бўлиб бормоқда. Айниқса, вилоят марказидан оқиб ўтувчи Шовот каналининг ўнг ва сўл қирғоқларидағи бунёдкорлик ишларининг таърифи достон.**

Мустақиллигимизнинг йиғирма уч ийлиги муносабати билан ўтказилаётган мазкур фестиваль «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг энг йирик лойиҳаларидан. У ёшларни Ватан равнақи йўлида бирлаштириш, уларга мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг мазмунмоҳиятини тушунтириш, ёшларга оид давлат сиёсати, шунингдек, истиқлол берган имкониятлар, ёшларнинг хуқуқий онги ва маънавий даражасини юксалтириш, миллий ва умуминсоний қадрияларга хурмат хиссини кучайтиришга қаратилган.

Ана шу мақсадда республика тарифбот гуруҳи аъзолари жойларда ўтказилган «Оммавий маданият ва ёшлар маънавияти», «Депутат ва ёшлар», «Сиз севган қаҳрамонлар», «Замонамиз қаҳрамонлари», «Одам савдосидан ёшларни асрар – куннинг долзарб масаласи», «Президент асрарлари билимдони», «Иқтидор эгаси – обод юрт эртаси» каби лойиҳаларда қатнашиб, ёшлар билан юзмайоз мулокотда бўлишиди. Шунингдек, маҳаллий тарифбот гурӯҳлари вакиллари – Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони, турли номдор стипендиялар соҳиблари, Ҳаракатнинг турли танловларида ғолиб бўлган иқтидорли талabalар, ёш олимлар, ўқитувчи ва мурраббийлар уч кун давом этган фестиваль доирасида худудларда ижтимоий-сиёсий ва хуқуқий, маънавият ва маърифат, соғлом турмуш тарзи ва спорт йўналишларида тарифбот тадбирларини ўтказди.

## КУТИЛМАГАН УЧРАШУВ – ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

Болалигингизда ўзингиз ёқтирган шоир, ёзувчи, спортчи ёки санъаткор билан учрашганмисиз? Ҳаётингизда шундай воқеа юз берган бўлса, аминизки, ўша учрашув ҳар бир дақиқасигача ёдингизда. Хивалик ёшлар ҳам фестиваль баҳонасида машхурлар билан учрашишга, улар билан дилдан сұхбатлашишга муваффақ бўлишиди.

Бундай учрашув Хива педагогика коллежида ташкил этилган «Оммавий маданият ва ёшлар маънавияти» лойиҳаси доирасида бўлиб ўтди. Унда ўзбекистонда хизмат кўрсатган



гунги ўзбек фильмларининг савияси, тарбиявий аҳамияти ва долзарблигини оширишга алоҳида тўхталиб ўтилди. Ёшлар эса ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишиди. Меҳмонлар саволларга жавоб қайтариш билан бирга, зарур маслаҳатларини ҳам бериб ўтишиди. Тадбир якунида энг яхши савол йўллаган ёшлар санъаткорларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

— Биз чиндан ҳам буюк юрт

лари ҳақида кенг маълумот берилди.

— Юртимизда ёшлар учун кенг имкониятлар мавжуд. Факат мана шу имкониятлардан фойдаланишни билмаётгандар, изланишни хоҳламаётгандар, тезда бойиб кетишни орзу қилаётгандар хорижда ишлашга интилмоқда. Афсуски, уларнинг чет элдаги қонун-қоидаларни билмаслиги, қолаверса, бирор бир корхона билан шартномаси йўқлиги сабаб турли қийинчилкларга дуч келишишмоқда. Бунинг натижасида одам савдоси курбонига айланишмоқда, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шуҳрат Дехқонов.

«Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остидаги ёшлар фестивали дастурларидан ота-она меҳрига, дийдорига муҳтоҷ ўғил-қизларга меҳр улашишдек хайрли ишлар ҳам ўрин олган. Хива туманидаги 20-мехрибонлик уйида бўлиб ўтган «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» лойиҳаси кўнгли ўқсик ёшларга унутилмас воқеаларни тухфа этди. Улар санъаткорлар билан учрашиб, куй-қўшиклирга раксга тушиши. Уларнинг кувончини кузатган ҳар бир инсон дилдан яйради.

«Ёшлар ўртасида эрта никоҳ ва унинг салбий оқибатлари» лойиҳаси доирасида ўтказилган учрашувлар ҳам тенгдошларимизга кўп нарса берди. Улар мутахассислардан фойдали маслаҳатлар олишиди.

Соғлом турмуш тарзини танлаган спортсевар ёшлар учун Қўшкўпир, Янгиариқ, Урганч, Гурлан, Янгибозор, Бофот, Ҳазорасп туманларидағи стадионларда «Футбол-шоу»лар ташкил этилди. Олти минг нафардан ортиқ ёшни тўплаган Хонқа туманидаги футбол ўйингоҳида туман ёшларининг «Камолот» ҳамда эстрада юлдузларидан иборат «Наврӯз» жамоаси ижорисидаги миллий куй-қўшиклир ёшларга ҳақиқий байрам кайфиyatini улашиди. Урганч давлат университети жисмоний маданият факультети талabalari арқон тортиш мусобақасида биринчи ўринни эгаллади.

«Биз – буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ўтказилган ёшлар фестивалининг «Камолот» ҳамда эстрада юлдузларидан иборат «Наврӯз» жамоаси майдонга тушиши.

Қизиқарли ва ҳангомаларга бой бўлган мусобақани ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мирза Азизов шарҳлаб

борди. Дўстлик фалаба қозонган ўйин санъаткорлар ижросидаги концерт дастурига уланиб кетди.

— Мамлакатимизда ёш авлод камолоти йўлида амалга оширилаётгандан кенг кўламли ишлар, ёшларга қаратилаётгандан улкан эътибор ва фамхўрлик замарида буюк давлат барпо этишдек олижаноб мақсад мүхассам. Ёшларни ана шу эзгу мақсад йўлида бирлаштиришда бундай фестивалларнинг ўрни катта. Бу ҳам тинчлик белгиси. Шундай экан, ҳар бир кунимизга шукронга айтиб яшайлик, — дейди Мирза Азизов.

## «ЁШЛАР КЎЛИ» ЁШЛАР ФАХРИГА АЙЛАНДИ

Фестиваль давомида Урганч шаҳридаги «Ёшлар кўли»да сайл ўтказилди. Унда олий ва ўрта маҳсус таълим муассасалари, миллий маданият марказлари, фольклор жамоалари ҳамда ёш тадбиркорларнинг кўргазмалири ва дастурлари намойиш этилди. Шунингдек, миллий ҳалқ ўйинларимиздан — арқон тортиш, варрак учириш, чиллик ўйини, тош кўтариш, бек тош, оқ теракми-кўк терак ўйинлари, асфальтга расм чизиши, миллий таомлар кўргазмаси ҳамда энг чиройли безаклар танлови бўлиб ўтди. Олий таълим муассасалари талabalari эса ўзлари тайёрлаган «Баҳорий» деб номланган миллий таомлар кўргазмаси билан қатнашиди.

Сайлда «Ниҳол» мукофоти совриндорлари ҳамда Урганч санъат коллежи ўқувчиларидан иборат «Наврӯз» жамоаси ижорисидаги миллий куй-қўшиклир ёшларга ҳақиқий байрам кайfiyatini улашиди. Урганч давлат университети жисмоний маданият факультети талabalari арқон тортиш мусобақасида биринчи ўринни эгаллади.

«Биз – буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ўтказилган ёшлар фестивалининг якуний гала-концерти «Авесто» боғ мажмуасида таникли эстрада хонандаларининг чиқишилари билан якунланди.

**Рустам ЮСУПОВ,  
«Turkiston» мухбири**



артистлар — Боир Холмирзаев, Лола Элтоева ҳамда ёш санъаткорлар иштирок этди. Мазкур учрашув ҳар икки томон учун ҳам қизикарли ўтди. Негаки, бўгун ёшларда «оммавий маданият»га қарши курашувчанлик иммунитетини ошириш мухим аҳамиятга эга. Қолаверса, кинофильмлар ёшлар маънавиятига катта таъсир этувчи воситадир. Шу боис учрашуда бу-

фарзандларимиз. Бугун бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Ёшлар фестивалида ўтган йили ҳам қатнашиб, муносаби тақдирлангандим. Бу йил ҳам фестивалда иштирок этажтанимдан хурсандман. «Оммавий маданият» ва ёшлар маънавияти» лойиҳаси барча тенгдошларим учун фойдали бўлди. Бу учрашув ҳеч қачон ёдимиздан чиқмайди. Чунки факат телевизорда кўриб юрган инсонлар билан юзма-юз учрашиш бошқача. Уларнинг ҳар бир сўзи биз, ёшларга катта куч бағишлайди, — дейди Урганч майший хизмат ва аҳборот технологиялари касб-хунар колледжи ўқувчи Нигора Худойберганова.

Фестиваль доирасида «Одам савдосидан ёшларни асрар – куннинг долзарб масаласи» лойиҳаси ташкил этилди. Лойиҳа доирасидаги тадбирлардан бири Бофот енгил-саноат касб-хунар колледжида бўлиб ўтди. Унда ёшларга одам савдоси ва унинг салбий оқибат-



# КЕЛАЖАК УНИВЕРСИТЕТИ – ИНХА

**Жорий йилдан бошлаб ўзбекистонлик талабалар Жанубий Кореяниг Инҳа университетида ўқиш имконига эга бўладилар. Осиёнинг энг нуфузли таълим даргоҳларидан бири энди юртимизда ҳам ташкил этилмоқда. Бу ҳақда 2014 йил 24 марта Президентимиз томонидан маҳсус қарор қабул қилинган эди. Тошкент шахридаги Инҳа университети 1 октябрда ўз фаолиятини бошлайди. Университетда халқаро мезонлар асосида ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш кўзда тутилган.**

Инҳа халқаро университет маҳомига эга. У дунёда энг яхши университетлар юзталигидан ўрин олган. Кореяда эса ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига ихтисослашган илғор университетлар бешталиги ҳамда энг сара хусусий университетлар ўнталигига киради. Инҳа битирувчилари (жами 120 мингдан зиёд) жаҳондаги йирик компания ва корпорациялар, ишлаб чиқариш корхоналарида фаолият юритмоқда. Битирувчиларнинг ишга жойлашиши бўйича бу университет мамлакатда бешинчи ўринда туради.

Инҳа университети 1954 йилда Корея ҳукумати билан Инҷон шахри фуқароларининг фаол ҳамкорлиги натижасида ташкил топди. Бу жараёнда Жанубий Кореяниг биринчи президенти Ли Син Ман шахсан ташаббус кўрсатган. Инҷоннинг АҚШдаги Массачусетс технология институти муқобилида бўлиши кўзда тутилган эди. Дастреб у техника коллежи сифатида иш бошлаб, кейинчалик қатор соҳаларда кучли кадрлар етиштирувчи университетга айлантирилди.

Университет Инҷон шахрида жойлашган иккита ўкув мажмуда — Ёнхён ва Сондо кампушларидан иборат. Таълим муасасаси таркибида йигирмата факультет, фаннинг тури тармоқларида тадқиқот бўлиши кўрқдан зиёд илмий-тадқиқот институти, муассаса ва марказлар, муҳандислик, ахборот технологиялари, табиий ва гуманитар фанлар, бизнес бошқаруви, иктисодиёт ва халқаро савдо, таълим, ҳуқуқ, тибиёт, санъат ва спорт, инсон экологияси каби соҳаларга ихтисослашган ўн иккита коллеж мавжуд. Айни пайтда Инҳа университетида 22 минг нафар талаба 59 йўналиш бўйича таълим олмоқда. Таълимнинг магистратура, аспирантура ва докторантура бошқарчилари ҳам мавжуд.

Табиий фанлар ва техника соҳасида Инҳа Корея олий таълим муассасалари орасида юқори ўринни эгаллади. Энергетик ресурсларни бошқариш, нефть обьектларини куриш, логистика каби замонавий йўналишларда кадрлар тайёрлаш борасида университет-

нинг жаҳондаги нуфузи, айниқса, каттадир. Унинг таркибида халқаро савдо ва логистика институти ҳам фаолият кўрсатмоқда. Инҳада, шунингдек, юриспруденция, иктиносидиёт, менежмент йўналишларида замонавий тенденцияларга мос таълим берилади. Кореядаги биринчи халқаро молия фаюлети ҳам шу университетда ташкил этилган. Университет таркиbidagi Юридик институтда интеллектуал мулк соҳасига ихтисослашган юқори малакали ҳуқуқшунослар, магистратура босқичида эса ёркин савдо соҳасига доир келишувларни татбиқ этиш бўйича мутахассислар тайёрланади.

Бундан ташқари, Инҳа университети санъат ва маданият соҳаларида ҳам етакчи бўлишга интиломоқда. Ҳозирга қадар таълим даргоҳида актёрлик махорати, дизайн, хореография, тасвирий санъат, мультиплекция ва кино санъати йўналишлари очилган.

Инҳадаги таълимнинг моҳиятини ёшларга танлаган мутахассислиги бўйича чуқур билим бериш ҳамда илмий тад-

миy-техник фаолиятдаги рақобатбардошлигини мунтазам ошириб бормоқда. Университет никоятда бой илмий адабиётлар электрон кутубхонасига эга.

Аҳамиятлиси шундаки, Инҳа университетида таълим тизими саноат тармоғи билан узвий боғлиқликда йўлга қўйилган.

га эга Инҳа университетининг пойтактимиздаги филиалида ҳам таълимнинг юқори сифати таъминланади. Бу ҳақда ўзбекистонлик журналистлар билан мулоқот ҷоғида университетнинг қабул комиссияси декани Ким Жунг Хо батафсил маълум берди.

Сий фанлар — математика ва физикадан ёзма имтиҳондан ташқари, инглиз тилидан оғзаки имтиҳон топширишади. Инҳа университетига хужжат топширувчи барча абитуриентлар Халқаро инглиз тили тест тизими — IELTS бўйича тилни 5 балл дарасида билишлари шарт.

Математика ва физикадан имтиҳон шу йилнинг 6 июлида ўтказилади. Имтиҳонларни кореялик мутахассислар олиши маълум қилинган. Абитуриентлар берилган масалаларни 120 дақиқа ичida ечишлари керак. Жавоблар балли тизимда баҳоланади. Баҳонинг 60 фоизи математика, қолган қисми физикага ажратилган.

Дастлабки имтиҳондан муввафқиятли ўтган абитуриентлар 27 июлда бўлиб ўтадиган инглиз тилидан оғзаки сухбатга киритилади.

Инҳа университетида таълим жараёни айрим ўзига хос хусусиятлари билан ажратилиб туради. Масалан, талаба ўкиш муддати давомида тўплаш керак бўлган балларни уч йилда тўплай олса, университетни муддатидан олдин тамомлаши ва қолган бир йил бошқа йўналишда таҳсил олиши мумкин. Шунда у бирйўла иккита мутахассислик ва иккита дипломга эга бўлади. Дарвоқе, Тошкент шахридаги Инҳа университети таълимнинг тадқиқотларга халқаро намуна-даги диплом берилади. Мазкур диплом мамлакатимиз худудида тан олинади.

Пойтактимиздаги Инҳа университетида дастурий инжиниринг ҳамда компьютер инжиниринг факультетлари ташкил этилди. 2014-2015 ўкув йилида 150 нафар абитуриентни ўқишига қабул қилиш режалаштирилган. Улар учта — компьютер инжиниринг, дастурий инжиниринг ҳамда компьютер тармоқлари инжиниринг йўналишларидан бирини танлаши мумкин. Ўқиши муддати — 4 йил.

Инҳа университетида барча дарслар факат инглиз тилида

Кўплаб таълим йўналишлари бўйича кадрлар бевосита ишлаб чиқариш корхоналарининг таъблари асосида тайёрланади. Илмий-ишлаб чиқариш соҳасида Инҳа Кореядаги энг яхши университет деб тан олингани ҳам бежиз эмас.

Университет таркибида кириувчи дастлабки ўкув мажмуда

**Тошкент шахридаги Инҳа университетини таъмомлаган битирувчиларга халқаро намуна-даги диплом берилади. Мазкур диплом мамлакатимиз худудида тан олинади.**



қиқотлар ташкил қиласи. Университетда саккизта давлат аҳамиятига молик йирик илмий-тадқиқот марказини ўз ичига олуви чуқуркаб инфратузилма шакллантирилган. Бундай тузилмага таянган ҳолда таълим даргоҳида илм-фаннинг долгзарб муаммолари юзасидан мустақил, истиқболли тадқиқотлар олиб борилади. Шу орқали Инҳа таълим ҳамда ил-

— Ёнхён кампусида ахборот, био ва нанотехнологиялар соҳаларига ихтисослашган факультетлар жойлашган. Сондо кампуси эса нисбатан янги ҳисобланниб, уни гуманитар ва хизмат кўрсатиш соҳаларидағи илмий тадқиқотлар тармоғига айлантириш кўзда тутилган.

Залворли тарихи, ўзига хос таълим тизими ва анъаналари-

— Ёнхён кампусида ахборот, био ва нанотехнологиялар соҳаларига ихтисослашган факультетлар жойлашган. Сондо кампуси эса нисбатан янги ҳисобланниб, уни гуманитар ва хизмат кўрсатиш соҳаларидағи илмий тадқиқотлар тармоғига айлантириш кўзда тутилган.

Пойтактимиздаги Инҳа университетида дастурий инжиниринг ҳамда компьютер инжиниринг факультетлари ташкил этилди. 2014-2015 ўкув йилида 150 нафар абитуриентни ўқишига қабул қилиш режалаштирилган. Улар учта — компьютер инжиниринг, дастурий инжиниринг ҳамда компьютер тармоқлари инжиниринг йўналишларидан бирини танлаши мумкин. Ўқиши муддати — 4 йил.

Инҳа университетида барча дарслар факат инглиз тилида

**Наргиза УМАРОВА,  
«Turkiston» мухбири**

**Fidoyi yurtdoshlar**

**Мураккаб ва шарафли касблардан бири шифокорликдир. Шифокорлар кечаю кундуз инсонлар саломатигини сақлаш йўлидаги бурчларини содиқлик билан адо этиб келишади.**

## ШАРАФЛИ КАСБ СОҲИБЛАРИ



Тиббиёт ходимлари беморлар дардига нафақат муолажа ва дори-дармонлар билан, балки ширин сўзлари билан ҳам шифо бағишлийдилар. Агар таъбир жоиз бўлса, ибн Сино издошлари бир умр одамлар хизматида бўлишади.

Самарқанд вилояти Ортопедия ва шикастланышлар оқибатлари шифохонасининг дилкаш шифокорлари ҳақида ҳар қанча илиқ гаплар айтилса арзийди. Беморлар ушбу даргоҳдан кўнгиллари тулиб, мамнун бўлиб кетишади.

**СУРАТДА:** шифохона травматолог врачлари (уртада) Машраб Ҳамдамов, шогирдлари (чапда) Шавкат Тўхтаев, (ўнгда) Икром Қаршиев билан иш вақтида.

**Абдурасул ОТАМУРОДОВ,**  
**Жиззах вилояти Фаллаорол тумани**

**Mutaxassis ogoh etadi**

**Үй қураётганда баъзилар унинг широйли, ҳашаматли бўлишини истайди. Бунинг ёмон томони йўқ. Бироқ шарт шундай бўлмоги керакки, кўрк, ҳашамига эътибор берни оқибатида унинг қулайлиги, хавфсизлиги каби масалалар иккинчи даражага тушиб қолмасин.**

## ЧИРОЙ ВА СИФАТ МУВОФИҚ КЕЛСИН

Хавфсизлик, яшаш учун қулай ва шинам бўлиши ҳақида сўз боргандга, ёнгин хавфсизлиги масаласига алоҳида тўхталиш жоиз. Чунки курилишда нафақат бино, иншоот ёки уйнинг бетакорлиги, балки уларнинг ёнгин хавфсизлиги қоидаларига тўла амал қилинган ҳолда бунёд этилиши мухим аҳамиятга эга.

Курилиш материаллари ёнувчанлик даражасига қараб ёнмайдиган, қийин ёнадиган ва тез ёнувчан турларга бўлинади. Бинолар курилишида, асосан, ёнмайдиган ва қийин ёнадиган хомашёлардан фойдаланиш тавсия этилади. Энг тажрибали, билимдан меъморлар бунга алоҳида эътибор қартишади. Шунинг учун ҳам аксар иморату бинолар тош, пишиқ фишлардан курилади. Шунингдек, уларнинг деворию таянчлари, ора ёпмалари, ички тўсиқ деворлари ҳам шундай материаллардан бўлади.

Одатда, ёғоч бинолар тез ёнувчан бўлиб, ёнгин хавфсизлиги талабларига мувофиқ улар икки қаватдан баланд бўлмаслиги зарур.

Иқлим ҳам бино қурилишида жуда мухим ҳисобланади. Масалан, күёш нури кўп тушадиган очик, чўл ва дашт худудларда ёғочдан бино қуриб бўлмайди.

**Р. ЮСУПОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХОТМ қурилишда ёнгин хавфсизлиги кафедраси катта ўқитувчиси, подполковник**

## КЕНГЛИКЛАР КУЙЧИСИ

**Ҳар гўша-маскан, қишлоқ-овул, туман-қўргоннинг ўз салоҳияти ва бу ўқтамликни шакллантирган-улгайтирган азизу мукаррам ўғил-қизлари — асл фарзандлари бўлади. Табиатан сергайрат инсон, ўзига хос шоир Ҳусан Эшмурод ҳам чин инсоний хислатлари боис дехқонободликларнинг ҳамиша ардогида, қалб тўрида яшайди, десак янглишмаймиз.**

Унсон билан танишишимиз қизиқ бўлган. 1989 йилнинг кеч кузида ҳарбий хизматдан қайтиб келсан, синфдош ўртоқларим туманимиз газетасида шерьимни ўқишиганинни айтишди. Суриштирсан, бирон танишимда газетанинг ўша сонидан йўқ экан. Кўп ўтмай, туман марказига ўзим бордим. Ишларим битгач, туман газетаси таҳририятига йўл олдим. Мұҳаррир Норбой ака Янгибоев асли ҳамқиши, у кишига ўзимни таништириб, шерьим босилган газетадан битта топиб беришни илтимос қилдим. Норбой ака газета таҳламини олдимга кўйиб, излаб кўришим мумкинлигини айтди. Шу орада эшикдан бир одам шўх-хандон кайфиятда салом бериб кириб келди ва барча билан бирдай бегонасарамай кўришиб, сўрашди. Мен унинг Ҳусан Эшмурод эканини дарҳол фаҳмладим. Чунки унинг туркум шеърлари вилоят ва туман нашрларида сурати билан тез-тез ёзлон қилинарди — матбуот орқали таниш киёфа.

Кўп ўтмай, излаган газетамни топдим ва унда ёзлон қилинган мўъжаз шерьимни зўр ҳаяжон билан қайта-қайта ўқиб, уларнинг қизғин сухбатига халақит бермай турдим. Гап орасида Норбой ака мени таништириб, илгарироқ армиядан шеър юборган эди, у газетамизда чиккан экан, шуни изляпти, деди. У менинг тек турганимни кўриб, ха, топдинми, деди. Мен тасдиқ маъносида бош ирғадим. Шунда Ҳусан ака ўзига ярашган чаққонлик билан иргиб туриб келиб, менинг шерьимни ўқиди-да, «эй, бу катта шоир экан-ку, нега мен билмайман», деди. Ҳаяжоним тағин кучайди. Нахотки, шундай инсон менинг ёзгандаримни алқаяпти. Рости, кўнглим кўтарилди, ўзиям нақ бир қоп семирдим.

Орадан йиллар ўтиб билдимки, Ҳусан ака ниҳоятда бағрикент, ёшларга хайриҳо одам экан. Ўшанда ҳам ёш бир ўигитнинг иходи ҳақида айтган бир оғиз гапи шунчаки лутф эмас, чин кўнгилдан айтилган ишонч, рафбат ифодаси экан.

Шундан кейин уларнинг далдаси билан битикларимни кўтариб, таҳририятга келиб турадиган бўлдим. Натижада, орзу қиласанмайдай, туркум-туркум шеърларим газета саҳифаларида нашр этила бошлади. Бир гал янги шеърларимни таҳририятга олиб келсан, Норбой ака мени Ҳусан ака сўраганини, иложи бўлса, уйига боришимни айтди. Мен Ҳусан ака яшайдиган Оқиртма қишилоги қаерда эканини билмасдим. Норбой ақадан у ерга қандай боришини сўрадим. У киши эринмай тушунтириди.

Чамаси, икки соатлардан сўнг Оқиртмага етиб бордим ва тўғри мактабга — Ҳусан ақанинг ишхонасига йўл олдим: катта танаффус экан, болалар чувилашади, йўлаклар ҳам, коридор ҳам ўқувчига тўла. Рӯпарамдан Ҳусан ака чиқиб қолди, шогирдларининг у кишини қанчалик хурмат қилишини кўриб турардим: улар бир-бирларидан қизғангандай аралаш-қуралаш салом беришар, шоир эса эринмай алиқ олар, мен бу муносабатда нақадар инсоний меҳр мужассамлигидан завқланардим. Ҳусан ака билан кўришиб ҳол-аҳвол сўрашгач, ўқитувчilar хонасига кирдик. Шоир ўтирганларга мени таништириди. Бир туман газетасининг кучини

қарангки, уларнинг аксарияти мени танишини билдири ва ўша маҳаллий газеталарда босилган айрим шеърларимни эсга олишиб ҳам. Чамаси, Ҳусан аканинг дарслари тугаган экан, анча-мунча гангур-гунгур мулоқотлардан сўнг менга қараб «кетдик» ишорасини қилди.

Биз Ҳусан аканинг уйига келиб, рўпарадаги айвонда урчук йигириб ўтирган онаси билан саломлашдик, сўнгра тўғри ижодхонасига кирдик: мўъажазгина хона ростмана ижодга мослаштирилган эди, ихчам-ихчам жавонлар китобларга тўла, хонтахта, ёзув столи ва унинг устида қалам-қофозлар, ҳар хил газетажурналлар алоҳида-алоҳида тартибда; бир четда шоирнинг каттагина бадиий портрети хона тароватини ошириб турар ва бир ажаб ижодий мухитдан дарак берарди. Булар менда қизиқиш ўйғотганини сезгандай хонадон соҳиби бу ўйда меҳмон бўлган атоқли ижодкорларни бир-бир санай кетди. Бу гурунглар менга жуда ёқарди. Сўнгра Ҳусан ака янги шеърларини кўрсатди ва «ўқиб кўр-чи» деб кўлимга тутқазди. Мен уларни катта иштиёқ билан мутолаа қила бошладим, шунда Ҳусан ака аста чиқиб кетиб, дастурхон тузаган экан. Чой кўя туриб, қандай камчиликлари бор, деб сўради. Мен бироз ўнгайсизландим.

Кейинчалик ҳам бир неча бор бу хонадонда меҳмон бўлишга мусасар бўлдим. Ҳар гал ижодий гурунгларимиз њеч тугамасди. Айниска, ўша пайдай Республика аҳамиятига молик қайноқ адабий мухит, адаб ва шоирларнинг мавзеи, ижодий услублари кувваи ҳофизаларигача ўзимизча баҳс юритишга ҳарарат қилардик.

Энди билсам, ўшанда оташдил шоир Ҳусан Эшмурод баҳудуд. Дехқонобод кенгликларига ҳам сифмай, янада катта ҳаво истар экан. Кечагидай эсимда, Ҳусан ака Қаршишаҳрида «Насаф» нашриёти очиганлиги ва унда илк китоби нашрга тайёрланётгани ҳақидағи хабарни шу қадар севинч билан тилга олган эди, бундай курсандчиликни ёрқин ифода этган одамни ҳалигача бошқа кўрмадим! Агар Ҳусан Эшмуроддай адабиёт жонкуярлари рўйхати тузилса, у зот бу сафнинг аввалида туришга ҳақли ижодкорлардан.

Кези келганда эътироф этиш жоизки, у туман марказидан қиқириким олисдаги чекка бир қишлоқлоқда ўқитувчилек қила туриб, бутун туман худудидаги мактаблардан қобилиятли болаларни излаб топарди.

Ҳусан ақанинг «Қўнғиротнинг қўшиғи» китоби нашр этилганда элпарвар одамларнинг муаллифни алқаганлари, фахр-иғтихорларини изҳор этганлари, қувонгандарини кўрганман. Ўша тоф ҳавосидай мусаффо, булоқ сувидай тоза инсоний муносабатлар кўнглигимда соғинч ҳиссими улғайтиради; бу кенгликларда бироз ҳазин, лекин ўқтам овоз янграётганини дилдан ҳис этаман — бу Ҳусан Эшмурод деган дилбарқалб, оташнафас ота юрт фарзандининг эл шашни ва шонини, меҳр-оқибатни, чин инсоний фазилатларни куйлаган назмий унларидир... Истагим, улар янграшдан њеч тинмасин.

**Сафар ОЛЛОЁР**

**Yaxshilarni yod etib...**



### ЎҒЛИМИННИ ОТАМ ДЕБ СҮЙГИМ КЕЛАДИ

Тоғларга тикилиб тўйим келади, Кўксига бошимни кўйтим келади. Мен ҳар гал меҳрға дард қолганимда, Ўғлимни отам деб сўйтим келади.

Кўчмачти кўчидек замон бетартиб, Ойларга ёрildim хунобим ортиб. Яшайман тиконлар азобин тортиб, Ўғлимни отам деб сўйтим келади.

Қатланган тунларда бир шон ухлайди, Тоғларга бош қўйиб армон ухлайди, Оҳлардан қорайган осмон ухлайди, Ўғлимни отам деб сўйтим келади. Қайрилиб қарайман қирқ уч ўшмуга, Омад четлаб ўтар, келмай юшимиға. Ҳою ҳавасдафон босиб тўшиғма, Ўғлимни отам деб сўйтим келади.

### БОЙЧИБОР

Айри-айри туёғинг, Олмос бўлсинг, Бойчибор, Гулмих ошиқ оёғинг, Толмас бўлсинг, Бойчибор.

Қатовдаги кийикдай, Сакраб юрган саманим, Ай, ёвларнинг ҳарбига, Чидаб берган омоним.

Булат бўлди осмонинг, Булатларни чайнадинг, Қулуналар четда қолиб, Тошлар билан ўйнадинг. Айри-айри туёғинг, Олмос бўлсинг, жонивор, Алномишинг илоё, Ўлмас бўлсинг, Бойчибор.

Қўкалдошлар йўлингда, Тариқдай сочилими? Ёки идрок, сизгингнинг Қўзлари очидими?

Қалмоқ юртда Барчиной, Сени зор-зор кутади, Тез кетмасанг, ҳойнаҳоӣ, Уни ғамлар ютади.

Үйқусираб ой сузар, Осмон ҳуарит ит бўлиб, Боботовнинг боврида, Аллинг ётири хит бўлиб.

Айри-айри туёғинг, Олмос бўлсинг, жонивор, Қулуналарнинг изиллаб Колмас бўлсинг, Бойчибор.

Тонг ёришса юлдузлар, Кундуз бўлиб қуйилгай, Тикилган укки қўзлар, Охир бешак ўйилгай.

Сен Қултойнинг қаноти, У чол суйди, безади, Қалдироҷ санам бу кун Гулмас, тикон узади.

Хосияти саманинни Қўллаб юбор, Боботов! Қор-қировли йўлдан Кетсин губор, Боботов.

Айри-айри туёғинг, Олмос бўлсинг, Бойчибор, Аллинг Барчин ёридан, Колмас бўлсинг, Бойчибор.

**Ҳусан ЭШМУРОД**

# КИТОБДА КОИНОТ АКСИ КҮРИНАР...

**Оламда илмдан қудратлироқ күч йўқ. Буни асрлар оша ўз тажрибасидан ўтказиб келган халқимиз ўзининг кўпдан-кўп мақоларида илмни ва илм эгаларини, ақлни ва ақл эгаларини юксак даражада мадҳ этган. Уларнинг ҳаётдаги ютуқларини кўрсатган. Илмсизлик, жоҳилликни қоралаб, буларнинг хунук оқибатларини тасвирлайди ва кишини илм олишга, бу йўлда учрайдиган ҳар қандай қийинчиликларга бардош беришига даъват этади: «Дено ҳар ерда ҳурматда, нодон ўз элида кулфатда», «Ўқимаган – яланг оёқ, байни бир қуруқ таёқ», «Олтин ерда қолса ҳам, билимли ерда қолмас», «Учишига қанот керак, ўқишига – тоқат», «Билими бор ҳар балодан қутулар, билими йўқ минг балога тутилар», «Билмаган – айб эмас, билишига тиришмаган айб»... Эҳ-хе, буларнинг саногига етиши қийин.**

Илм олишнинг эрта-кечи йўқлиги ҳақидаги мақоллар ҳам бор. Аммо ёшлиқда олинган билим онгда бир умр муҳрланиб қолади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшларга оид сиёсат моҳиятида ҳам ёшларни юксак савияли, билимли этиб тарбиялаш максади ётиди.

Бугунги кунда ҳар бир таълим муассасасида ахборот-ресурс марказлари фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, мактаб, колледжлардаги бундай масканлар ўқувчиларни янада ўзига чорламоқда. Албатта, муассаса маъмурияти томонидан уюштирилган турли ташабbusлар китобхонлик маданияти ривожига яхши таъсир кўрсатмоқда.

Жиззах вилоятидаги Фаллаорол ижтимоий иқтисодиёт коллежида яқинда хайрли ташабbus ўйлга кўйилди. Коллеж раҳбари Икром Равшанов ўқувчилар ҳузурида ўз таклифини айтганида, буни ёшлар бир овоздан қабул қилишиб. Ташабbusнинг мазмуни шундан иборат эдики, ихтиёрий равишда ҳар бир ўқувчи колледж кутубхонасига бир донадан китоб топширадиган бўлди. Китобни топширишдан олдин ўқувчи ўқиган асари ҳақида сабоқдошларига

сўзлаб бериши шарт. Асар воқеаларига ошно тутинган ҳар қандай ўкувчида «Мен ҳам бадиий китоб ўқиб тенгдошларимга сўзлаб берсам-чи» деган мақсад ўйғонмай қолмайди, албатта. Кўриб турибисизки, китобхонлик авж олади, бу анъана га айланга боради. Коллежда 842 нафар ўкувчи таҳсил олаётган бўлса, боринг, ана шуларнинг ярми биттадан китоб олиб келсин, колледжнинг АРМ фонди қарийб беш юзга якин китоб билан бойийдими? Бойийди. Бу бир йилнинг ҳисоби. Энди бу фонднинг беш йилдан сўнг, ўн йилдан сўнгги ҳисобини олаверинг... Тўрт-беш минг китоб дегани бу.

Кимdir ўз уйида, кимdir тоға ёки холасининг уйида бир чеккада чанг босиб ётган (эътибор кутаётган) китобдан бир дона олиб, ўқиса ва уни коллеж кутубхонасига тақдим қиласа, бунинг ёмон жойи йўқ, бизнингча. Яна бир яхши ҳолат. Топширилган китобнинг ичида ўша ўқувчининг дастхати ва топширилган санаси ёзилган бўлса, қаёндир ўша ўқувчининг укалари ёки якин қариндошлари колледжга келиб ўқиса-ю, ўша китоб кўлига тушиб қолса, бу ҳам бир ҳавас, яхши таассурот уйғотади. «Мен ҳам янги китоб ўқиб,

дастхатимни ёзиб кўяман ва китобимни кутубхонага топшираман», деган эзгу ниятни дилига тугади у.

Кўлига китоб олган ёш борки, фақат бадиий асар ўқиши билангина чегараланиб қолмайди. Энди у ўзи танлаган соҳага оид қизиқарли илмий китоблар ўқишига, олайлик, тил ўрганишга жазм қилиши ҳам мумкин. Ўзга тилда ёзилган китобларни ҳам ўқиш унга завқ бера бошлайди. Китобхонлик, мутолаа ўқувчини ана шундай эзгу ҳаракатларга чорлайверади. Шу боис бўлса керак, ушбу колледж ўқувчиси Ҳилола Юсупова «Ёш китобхон» танловида тумандаги 11 та коллеж ўқувчилари орасидан фахрли ўринини эгаллади.

Фаллаорол ижтимоий иқтисодиёт коллежида амалга ошаётган бу яхши ташабbus ўқитувчилар жамоасини ҳам ҳаракатга келтирган. Ўқитувчилар ўз фанига оид яна қандай кўшимча адабиёт ўқиганлигини ўқувчилардан сўраб боради. АРМ фонди электрон каталог фани ўқитувчиси Нодира Сулаймонова кутубхона

ишини юритиш тўғрисидаги услугубий қўлланмаси кириш қисмидаги қанотли сўзларини киритиб кўйибди: «Яхши кутубхона коинотнинг китобдаги инъикосидир». Муаллиф бу билан китобда коинотнинг акси кўринади, демоқчи.

Коллеж ахборот-ресурс маркази ҳар доим гавжум. Марказ ўн мингга яқин китоб фондига эга. Ахборот-ресурс марказида турли давра сұхбатлари, шеърхонлик, китобхонлик тадбирлари бўлиб туради. Бу ерда тўплланган ёшларни кўрсангиз, ёргу келажакдан умидвор нигоҳларга кўзингиз тушади.

Бу таълим масканида яна бир яхши анъана ўйлга кўйилди. Катта танафус вақтида коллеж биносининг ҳар бир қаватида, ошхонада қўшиқ янграб туради. Қанақа кўй-қўшиқ дейсизми? Озодбек Назарбековнинг «Қалдирғоч», «Ватан», Севара Назархоннинг «Улуғимсан, Ватаним» ва бошқа машҳур ҳофизларимизнинг эл-юрт, Ватан ҳақидаги қўшиқлари... Бу ҳам ёшларимизни миллий

кўй-қўшиқларимизни тинглашга, қадриятларимизни асрашга ундейди. Қанақа кўшиқлардан завқ олиш кераклигини онгига сингдиради. Бу янгилик ҳар бир дақиқани мазмунли ўтказиш кераклигини ҳам ўқувчига уқтиради. Шундай эмасми?

Коллежда фаол ўқитувчилар кўп. Ёшларнинг қизиқишиларини ҳисобга олиб, янги педагогик технологиялар асосида дарс машгүлларни ўтиш бўйича услугубий қўлланмалар яратади. Дилфуз Муллабоева, Нариза Санаева, Ҳожимурод Тўрабеков, Матлуба Исроилова, Дилором Норбекова каби ўқитувчилар бошқаларга ҳар томонлама ўрнак. Улар ўқувчиларда юқорида тилга олганимиз «коинотнинг акси» – китобга меҳр ўйғотмоқдалар.

Яхши кутубхона, яхши ўқувчи, яхши ўқитувчи... Барчамизда яхши таассурот қолдирмайдими бу?! Ҳавас килалини, албатта. Бундан барчамиз ўрнак олсак арзиди.

**Шоди ОТАМУРОД,  
«Turkiston» мухбири**



2014-yil — Sog'lom bola yili



— Юр, бирга-бирга ўйнаймиз!

## ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ камчиликларни бартараф этди

— Мен ўтган йили ёз ойларида Қарши туманининг Патрон қишлоғида жойлашган устахона-га темир дарвоза ясаттирдим, — деб ёзди Миришкор тумани, Гулистон қишлоғида яшовчи юртдoshimiz Саъдулло Саманов Қашқадарё вилоят истеъмолчилар хукуқларини химоя қилиш жамиятлари таҳсилати ҳудудий бирлашмасига йўллаган мурожаатида. — Бироқ устахона ишчиси томонидан дарвоза сифатсиз тарзда ўрнатиб берилди. Мен эса келишилган маблағнинг бир қисмини камчиликларни тузатгач беришини айтиб сақлаб қолдим. Орадан иккى ой чамаси вақт ўтиб, шу устахонага эшик-ром ясаттирдим. Уста эса эшик-ромни ҳам сифатсиз ўрнатди. Дарвозадаги камчиликларни тузатишни пайсалга солди. Орадан ярим йилдан кўпроқ вақт ўтди ҳамки, эшик-дераза ва дарвоза-

даги камчиликлар тузатиб берилмади. Бундан иккى ҳафта бурун дарвозани шамол яроқсиз ҳолга келтириб ташлади. Шундан кейин мен ҳар куни устага ўн марта лаб телефон қилдим. У эса фақат вавда беришдан ҷарчамади. Охирги вақтларда қўнғирогимга ҳам жавоб бермай қўйди.

Шу ўринда эслатиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси «Истеъмолчиларнинг хукуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 19-моддасида «Агар ижрочи шартнома шартларини иш (хизмат)ни ёмонлаштирган даражада жиддий бузган бўлса ёхуд ишда (хизматда) бошқа жиддий нуқсонларга йўл кўйиган бўлса, истеъмолчи ўз хошишига кўра нуқсонлар белуп бартараф этилишини, бажарилган иш (кўрсатилган хизмат) баҳоси нуқсонларга мутаносиб равишда камайтирили-

шини, худди шундай сифатли шу хилдаги материалдан бошқа буюм белуп тайёрлаб берилишини ёинки шартнома бекор қилиниб, кўрилган зарар тўлиқ қопланнишини талаб қилишга ҳақли» деба кўрсатилган.

С.Самановнинг мурожаати вилоят истеъмолчилар хукуқларини химоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси ходимлари томонидан ўрганилиши жараёнида қонуннинг ушбу талаблари устахона ходимларига тушунтирилди, хизмат кўрсатиш жараёнида йўл кўйилган камчиликлар бартараф этилди.

**Бахром ЭШҚУВВАТОВ,  
Қашқадарё вилоят истеъ-  
молчилар хукуқларини химоя  
қилиш жамиятлари ҳудудий  
бирлашмаси матбуот ва  
ахборот сектори бошлиғи**



# ХОПИРА

Олис ўлдуз шуъласи,  
Етиб бўлмас ўирофим.  
Менинг сокин кулбамда  
Ёниб турган чирофим.

Хотира, сен — раҳматли  
Менинг ота-онамсан.

Хувиллаган юрагим —  
Ичи бўм-бўш хонамсан.

Тандирдаги сүнгап чүй,  
Үйчиб қолган оловим.  
Бир тишлиңган қаттиң нон,  
Сузилмаган паловим.  
  
Дилдан күчгап битиклар  
Дилдан асло үчмайды,  
Үтмишини ёд эттан  
Үзлигидан кечмайды.

Ашуралы БОЙМУРОД



## МУАССИС:

КАМОЛОТ»

## ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон  
Республикаси  
Матбуот ва ахборот  
агентлигигида 2007  
йил 19 апрелда  
№ 0242 рақам  
 билан рўйхатдан  
ўтган.

ISSN 2010-6998

## Бош мұхаррир ўринбосари:

Шукров  
Мехриддин Эшқобилович

## Тахрир ҳайъати:

Баходир Фаниев, Элмурод Нишонов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (баш мұхаррір ўринбосари — «Молодежь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодёжь Узбекистана»), Рустам Косимов

## Навбатчи муҳаррир:

Юсупов  
Рустам  
Күчқорович

## **Сахифаловчи:**

Рұзиев  
Зафар  
Хусанович

## Хусаинович

**Таҳририят манзили:** 100029, Тошкент,  
Матбуотчилар кӯчаси, 32.  
**Телефонлар:**

**Телефонлар:**  
(371) 233-95-97. (371) 233-79-69  
**e-mail:** [info@turkiston.uz](mailto:info@turkiston.uz)

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-3 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ. Корхона манзили: **«Буюк Турон» күчаси, 41**

Индекслар: **203, 3203**  
Баҳоси келишилган нархда.

ртма Г-557.  
и — 11926

1 2 3 4 5

1 2 3 4 5